

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2024 йил 24 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида, судья Ж.Нажимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Ашуровнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Мирзаев, судланувчи Ф.М ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Азимов, жабрланувчи Ж.Ж, О.Қнинг иштирокида, судланувчи Ф.Мга оид 1-1503-2404/750-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ф.М 1987 йил 8 октябрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, ажрашган, икки нафар фарзанди бор, 2-гуруҳ ногирони, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 27 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 2 йил озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 24 декабрдаги ажримига кўра, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2014 йил 5 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилинган;

3) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2016 йил 14 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди, 60-моддаси билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2017 йил 4 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан жазодан озод қилинган;

4) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2019 йил 15 январ кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида 2.764.500 сўм жарима тайинланиб, ЖК 62-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 11,5 баравари миқдорида 2.119.450 сўм жарима тайинланган, жарима тўлиқ тўланган;

5) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2020 йил 16 сентябр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан базавий ҳисоблашнинг 20 баравари миқдорида 4.460.000 сўм жарима тайинланган;

6) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2020 йил 15 декабр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 57-моддаси,



- 59-моддаси 8-қисми билан базавий ҳисоблашнинг 35 баравари миқдорида 7.805.000 сўм жарима тайинланган;
- 7) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 9 апрель кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблашнинг 40 баравари миқдорида 9.800.000 сўм жарима, ЖКнинг 60-моддаси тартибида базавий ҳисоблашнинг 50 баравари миқдорида 12.250.000 сўм жарима тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида базавий ҳисоблашнинг 24,5 баравари миқдорида 6.002.500 сўм жарима қолдирилган, жарима тўланган;
- 8) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 10 декабр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 9) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 18 апрель кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 60,61-моддалари билан 13.500.000 сўм жарима ва 2 йил 10 ой 1 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 10) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 18 июл кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, ЖКнинг 57-моддаси, 60,61-моддалари билан 29.700.000 сўм жарима ва 2 йил 10 ой 1 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 11) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 19 сентябр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 60,61-моддалари билан базавий ҳисоблашнинг 120 баравари миқдорида 36.000.000 сўм жарима ва 2 йил 9 ой 26 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 12) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 3 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 60,61-моддалари билан базавий ҳисоблашнинг 130 баравари миқдорида 39.000.000 сўм жарима ва 2 йил 8 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 13) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 19 декабр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси билан базавий ҳисоблашнинг 140 баравари миқдорида 42.000.000 сўм жарима ва 2 йил 8 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган;
- 14) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 26 декабр кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 57-моддаси, 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси билан базавий ҳисоблашнинг 150 баравари миқдорида 45.000.000 сўм жарима ва 2 йил 8 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 04.10.2023 йил кунги ажримига кўра, 45.000.000 сўм жарима ЖКнинг 44-моддаси тартибида 9 ой 11 кун озодликни чеклаш жазосига алмаштирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган;

15) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 19 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 57,60,61-моддалари билан базавий ҳисоблашнинг 160 баравари миқдорида 54.400.000 сўм жарима ва 3 йил 2 ой озодликни чеклаш жазосига тайинланган;

16) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 57,60,61-моддалари билан базавий ҳисоблашнинг 170 баравари миқдорида 57.800.000 сўм жарима ва 3 йил 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган,

17) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 26 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси, 59-моддаси 8-қисми, 61,62-моддалари тартибида базавий ҳисоблашнинг 192 баравари миқдорида 65.280.000 сўм жарима ва 3 йил 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жарима тўланмаган, озодликни чеклаш жазосининг 2 йил 10 ой 25 куни ўталмаган, Қўқон шаҳар, Янги чорсу кўчаси, 178-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 27 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, тарафларни музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ф.М хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мулкини алдов ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида,



2024 йил 16 июль куни соат 09:00ларда Қўқон шаҳар Фаробий кўчасида жойлашган “Қўқон савдо комплекси”нинг кириш дарвозаси йўлагидида ушбу савдо комплексида савдо қилиш мақсадида келган фуқаро Камбарова Одинахон Вайдуллажоновнанинг 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулини 2.560.000 сўмлик миллий валютадаги пулларга алмаштириб беришини айтиб, уни ишончига кириб, алдаб унга 2.560.000 сўм пулларни бераётган вақтида ушбу пуллардан 800.000 сўмини қайириб ўзида олиб қолиб, фуқаро О.Камбаровага гўёки 2.560.000 сўм эканлигини айтиб, унга нақд пулда 1.760.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб, қолган 800.000 сўм миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилган.

Ф.М ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидист бўлгани ҳолда такроран ўзганинг мулкини алдов ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 7 август куни соат 14:30ларда Қўқон шаҳар Фаробий кўчасида жойлашган “Қўқон савдо комплекси”нинг кириш дарвозаси йўлагидида ушбу савдо комплексида савдо қилиш мақсадида келган фуқаро Жакбаров Жасурбек Умиджон ўғлининг 100 АҚШ доллари миқдоридаги пулини 1.270.000 сўмлик миллий валютадаги пулларга алмаштириб беришини айтиб, уни ишончига кириб, алдаб унга 1.270.000 сўм пулларни бераётган вақтида ушбу пуллардан 500.000 сўмини қайириб ўзида олиб қолиб, фуқаро Ж.Жга гўёки 1.270.000 сўм эканлигини айтиб, унга нақд пулда 770.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб, қолган 500.000 сўм миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилган.

Судланувчи Ф.М судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, у 2024 йил 16 июль куни соат 09:00 ларда Қўқон шаҳридаги “Қўқон савдо” комплекси кириш ҳудудида турган вақтида, кейинчалик исми фамилиясини билишича Камбарова Одинахон Вайдуллажоновна исмли аёл олдида қизи билан келиб, 100 АҚШ долларини ўзбек сўмига айирбошлаб беришини сўраганида, унга 100 АҚШ долларини 1.280.000 сўмдан айрибошлашини айтиб, аёлни қўлидан 100 АҚШ долларини олиб, қўлидаги пулларни унга бергани, аёл пулларни санаб кам эканлигини айтгани, шунда ундан пулларни олиб ўзини ёнидаги пулдан қўшиб энди 1.280.000 сўм бўлди деб қайтариб бергани, бу вақтда О.Камбаровани чалғиганлигидан фойдаланиб, қўлидаги 1.280.000 сўм пуллардан 400.000 сўмини қайириб олгани, шундан сўнг О.Камбарова уни алдаганини сезмасдан пулини саноғи тўғри эканлигига ишониб, сумкасида солиб, у ердан кетаётганида, сумкасида яна 100 АҚШ доллари борлигини кўриб қолиб, унга сумкасидаги 100 АҚШ долларини ҳам ўзбек сўмига алмаштириб беришни таклиф қилганида, О.Камбарова рози бўлгани, ундан 100 АҚШ долларини 1.280.000 сўмдан айрибошлаб беришни айтиб, уни чалғиганидан фойдаланиб, 400.000 сўм қайириб қолиб, унга кам пул бергани, О.Қ ундан олган пулларни санаб кўрмасдан бозор ичига кириб кетгани, О.Камбарова алдаганини сезиб, пули 800.000 сўм кам чиққанлигини айтиб ИИБнинг 102 рақамига мурожаат қилгани, ИИБ ходимлари уни чақиритган вақтида О.Камбарова уни таниб олгани, у О.Камбаровага етказилган 800.000 сўм моддий зарарни ўз ихтиёри билан қоплаб бергани, бундан ташқари 2024



йил 7 август куни соат 14:30 ларда Қўқон шаҳридаги “Қўқон савдо” комплекси кириш ҳудудида турган вақтида, кейинчалик исми фамилиясини билишича Жакбаров Жасурбек Умиджон ўғли исмли йигит олдиға бир таниш йигит билан келиб, унда 100 АҚШ доллари борлигини шуни ўзбек сўмиға айирбошлаб беришини илтимос қилгани, унга 100 АҚШ долларини 1.270.000 сўмдан айирбошлашини айтиб Ж.Жни қўлидан 100 АҚШ долларини олиб, қўлидаги пулларни унга бергани, Ж.Ж пулларни санаб кам эканлигини айтгани, шунда ундан пулларни олиб ўзини ёнидаги пулдан қўшиб мана энди 1.270.000 сўм бўлди деб қайтариб бергани, бу вақтда Ж.Жни чалғиганлигидан фойдаланиб, қўлидаги 1.270.000 сўм пуллардан 500.000 сўм пулни қайириб олиб, унга 770.000 сўм бериб, у ердан тезда кетиб юборгани, бу ишни қилганини Ж.Ж кейин сезиб қолиб, у ҳам ИИБга мурожаат қилгани, ИИБ ходимлари уни чақиришган вақтида Ж.Ж уни таниб олгани, у Ж.Жга етказган 500.000 сўм моддий зарарини тўлиқ қоплаб бергани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Ф.М айбига тўлиқ иқроп бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

Жабрланувчи О.Камбарова суд мажлисида, у 2024 йил 16 июль куни соат 09:00 ларда қизи Малика билан бирга Қўқон шаҳридаги “Қўқон савдо” комплексига қизини тўйға кийинтириш учун боргани, бозорга кириш дарвозаси олдида бир йигит ундан “доллар борми?” деб сўрагани, унга 100 АҚШ долларини ўзбек сўмиға айирбошлаш кераклигини айтганида, 100 АҚШ долларини 1.280.000 сўмға айирбошлаб беришини айтгани, унга сумкасидан 100 АҚШ долларини олиб бергани, у эса 1.280.000 сўм деб ўзбек сўми бергани, лекин пулни санаб 20 минг сўм кам эканлигини айтганида, ундан пулни олиб 20 минг сўм қўшиб бергани, яна санаб кўрса, яна 20 минг кам чиққани, кейин тўғри бўлганини айтгани, пулни олиб кетаётганида сумкасида яна 100 АҚШ доллари борлигини кўриб қолиб, шу 100 АҚШ долларини ҳам айирбошлаб беришини айтгани, унга 100 АҚШ долларини берганида у 1.280.000 сўм бериб, уни олдидан кетиб юборгани, берган пулларни санаб кўрганида 800.000 сўм кам бериб алдаб кетганлигини билгани, шундан сўнг бозор ҳудудидаги ИИБ биносига бориб мурожаат қилгани, ИИБ ходимлари Маматқулов Фурқатни фотосурати кўрсатишганида, уни фотосуратидан таниб олгани, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини айтиб, судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ж.Ж суд мажлисида, у 2024 йил 7 август куни соат 13:30 ларда ўзи билан бирга ишловчи таниши Ахмаджонов Икром билан Қўқон шаҳрига “Қўқон савдо” комплексига бўёқ сепадиган компрессор сотиб олиш учун келишгани, бозорни айланиб юриб компрессорларни кўриб бирини сотиб олмоқчи бўлгани, лекин ёнида 1.000.000 сўм пули компрессор сотиб олиш учун етмагани, шунинг учун ўзида бўлган 100 АҚШ долларини ўзбек сўмиға айирбошлаш билан шуғулланувчи шахсларни олдиға боришгани, бозорга кириш жойида оқсоқлаб юрадиган бир йигит ундан “доллар борми?” деб сўраганида, унга 100 АҚШ долларини ўзбек сўмиға айирбошлаш кераклигини



айтгани, у уларни четроққа олиб ўтиб, 100 АҚШ долларини 1.270.000 сўмга айрибошлаб беришини айтгани, унга чўнтагидаги 100 АҚШ долларини бергани, у бўлса 1.270.000 сўм деб ўзбек сўми бергани, лекин пулни санаб кўрса 1.200.000 сўм чиққани, унга 70.000 сўм кам эканлигини айтганида, у ундан пулни олиб 70.000 сўм кўшиб бергани, яна санаб кўрса, яна 70.000 кам чиққани, унга пули кам чиқаётганлигини айтса, у уни худди шу тартибда 3 марта 70.000 сўмдан кам пул бериб алдайвергани, охириги 4-марта санаб кўрганида у берган пул 1.270.000 сўм чиққандек бўлгани, шундан сўнг ундан пулни олиб, уни ёнидан кетгани, лекин бироз юриб яна қайтадан санаб кўрса, 1.270.000 сўм деб берган пулдан 500.000 сўм пул кам чиққани, у йигит унга пулни бераётган вақтида уни чалғитиб 500.000 сўм қайириб қолган бўлгани, шериги Икром билан дарҳол уни ёнига қайтиб боришса, у турган жойида йўқ бўлгани, шундан сўнг уни ахтариб топа олишмаганидан сўнг бозор ҳудудидаги ИИБ биносига бориб мурожаат қилишгани, ИИБ ходимлари Маматқулов Фурқатни фотосурати кўрсатишганида, уни фотосуратидан таниб олгани, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини айтиб, судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

шунингдек, ариза, шахсни фотосуратидан таниб олиш баённомалари, фотосуратлари ҳамда иш материалларида тўпланган ва судда текширилган шу каби далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Мнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, жабрланувчи О.Камбарованинг 800.000 сўм пул маблағларини, такроран жабрланувчи Ж.Жнинг 500.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ЖК 168-моддасининг 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Суд, судланувчи Ф.Мга нисбатан жазо тайинлашда, қайд этилган Қонун ва Пленум қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, унинг илгари судланиб, қасдан янги жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ



копланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкциясида белгиланган жарима жазоси тайинлаб, ЖК 60 ва 61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 26 июндаги ҳукмига кўра тайинланиб, тўланмаган 65.280.000 сўм жаримани қисман қўшиб, ўталмаган 2 йил 10 ой 25 кун озодликни чеклаш жазосини тўлиқ қўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазоси ва жарима жазоси тайинлашни, ЖК 61-моддаси тартибида жазоларни алоҳида-алоҳида ижро этишни белгилашни;

жазо ўташ муддатини маҳкум Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлимига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

шунингдек, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ копланганлигини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ф.М (Mamatkulov Furkat Raimdjanovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ф.Мга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида 102.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ф.Мга нисбатан тайинланган жазага ЖК 60 ва 61-моддасига асосан илгариги ҳукмига кўра тайинланиб, ўталмаган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил базавий ҳисоблашнинг 305 баравари миқдорида 103.700.000 сўм жарима жазоси ва сутканинг соат 21:00 дан соат 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойи Қўқон шаҳар, Янги Чорсу кўчаси, 178-уйдан чиқишни чеклашдан иборат 2 йил 10 ой 25 кун муддатга озодликни чеклаш жазосига тайинлансин.

Тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижро этирилсин.

Ф.Мнинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазо ўташ муддати маҳкум Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлимига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Ф.Мга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ копланганлиги инобатга инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу



муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Нажимов

Нусхаси аслига тўғри:

